

МОЛИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

О.Комолов

Илмий раҳбар: ТДИУ “Молия” кафедраси доценти

Ш.Сулаймонов

ТДИУ «Давлат молияси ва халқаро молия» йуналиши
2-курс магистранти

Бугунги тараққиёт келажак ривожланишига замин бўлади. Бу қоида ҳар бир жамиятнинг асосий дастурамали сифатида амалга ошмоқда. Тараққиёт жамоа, гуруҳ, ва шахсни ривожланиши билан биргаликда кечади.

Бугунги давр ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш, мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий хизматларнинг кенг тизимини яратиш, меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини кўтариш имконини берувчи ҳуқуқий асосларини мукамаллаштиришни тақозо этмоқда. Бунда иқтиодиётнинг яъни инновацион иқтисодиёт шароитида молия тизимининг ривожи муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда инновацияга бўлган талаб анача кучайиб бормоқда. Ҳар бир соҳада янгиликлар қилинмоқда, яратилмоқда ва бунинг учун инвестициялар киритилмоқда. Буларни ҳисобга олган ҳолда инновацион иқтисодиёт шароитида молия тизимини ривожлантириш долзарб бўлиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фаол инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.¹

Ўзбекистон 2030-йилда дунёдаги 50 та инновацион иқтисодиёт қаторидан ўрин олишни режалаштирмоқда. «Инновациялар даражаси қанча юқори бўлса, ЯИМ кўрсаткичлари ҳам шунча баланд бўлади». Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда йетакчи соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантириш, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитинияратиш – энг муҳим вазифамиз²

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017 – 2021 йилларга мо`лжалланган Ҳаракатлар Стратегиясининг миллий иқтисодийиотнинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишининг асосий вазифаларидан бири корхоналарни модернизациялаш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 721- сонли 11.09.2018 й.даги “Инновацион фаолиятни янада қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.09.2018 й.даги ПФ-5544-сонли “2019-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

техник ва технологик ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадалроқ ўтказиш, замонавий ихчам технологияларни кенг тадбиқ этишдан иборатдир.

Ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулот ўсишининг 80-95 фоизи техника ва технологияда акс етган билимларга тўғри келади. Шунинг учун ҳам замонавий инновацион иқтисодиётнинг асосий белгилари сифатида қуйдагиларни келтиришимиз мумкин:

иқтисодиётнинг барча соҳаларида замонавий информацион технологиялар ва компютерлаштирилган тизимларнинг мавжудлиги;

ривожланган миллий информацион захиралар яратишни таъминлаб берадиган ривожланган замонавий инфратузилманинг борлиги;

жамият ҳаётининг барча соҳалардаги ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини тезкорлик билан компютерлаштириш ва автоматлаштириш амалга оширилганлиги;

жаҳон миқёсидаги замонавий инновацион талабларга мос равишда малакали илмийтехник кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ўта мослашувчан тизимини яратиш.

Бунда албатта молия тизими яъни инновацион иқтисодиёт шароитида молия тизими ривожини муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб ҳорижий инвестицияларни жалб қилишга талаб ва еҳтиёжларни ортиб бориши ҳудудларда инвестиция сиёсатини бозор муносабатларига мос равишда амалга ошириш, яъни инвестиция жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш, ҳудудларда инвесторлар учун тўлақонли шарқҳароитлар яратишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестицион муҳитни яратиш, мамлакат иқтисодиётини муҳим соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мустақил мамлакатимиз молия бозорида, шу жумладан банк-молия тизимида ўтказилаётган ислохотлар натижасида замонавий жаҳон андозаларига ва талабларига мос келадиган молия-банк тизими ҳамда бозор инфратузилмаси босқичма-босқич шакллантирилмоқда, молия-банк соҳасини янада еркинлаштиришга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари ва улардан келиб чиқувчи муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, глобал жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам мамлакатимиз банк-молия тизими барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Бугунги кунда банк бизнеси Республикамиз иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган сегментларидан бири бўлиб, соҳадаги активлар, капитал даражаси, кредит қўйилмалари ва инвестицион амалиётлар ҳажми каби асосий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари буни яққол тасдиқламоқда.